

КОНСТИТУЦИЯ МЕНИКИ, СЕНИКИ, БИЗНИКИ! КОНСТИТУЦИЯ ЎЗИМИЗНИКИ!

30.04.2023
Referendumda
faol ishtirok
eting!

Biz
erkinlik
uchun
OVOZ
beramiz!

ТАРИХИЙ ЖАРАЁН АРАФАСИ

Шу кунларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган турли давра суҳбатлари, учрашувлар, эвент-тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Навбатдаги ана шундай тадбир O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан Эликқалъа тумани маданият саройи очик майдонида уюштирилди.

"Биргаликда очик жамият сари!" шiori остида ўтказилган ушбу тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ходимлари, Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Учрашувда сўз олган партия вакиллари бугун барча саяё-ҳаракатлар инсон қадрини юксалтиришга қаратилгани, Бош қомусимизга киритиладиган жамики ўзгаришларнинг

негизда Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар моҳиятини белгилловчи "Инсон қадри учун" улуғвор ғояси мужассам эканини таъкидлашди.

Нотиклар қайд этганидек, биринчи марта Бош қомусимизда

ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, мурожаат этишга ҳақлиги мустаҳкамланмоқда. Бу



ҳар кимнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ инсоннинг ҳуқуқ

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар,

балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат – лойиҳада давлатнинг фуқароларга интернет тармоғидан фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланяпти.

Ҳар бир шахснинг республика ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, республикадан ташқарига чиқиш ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг Ўзбекистонга монеликсиз қайтиш ҳуқуқи белгиланмоқда. Эндиликда мазкур конституциявий қонун киритилиши билан эркин ҳаракатланиш қадрият даражасида олий ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамланяпти.

Конституциямизга илк мартаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиши ва улар фаолияти кафолатларининг белгиланиши жамиятда очиклик, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни янада кучайтириш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустаҳкам замин ҳозирланди.

Давоми 2-саҳифада. ►►

ХАЛҚ ҚОМУСИ ХАЛҚНИКИДИР

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 24-25 МАРТ КУНЛАРИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ НУРДИНЖОН ИСМОИЛОВ БОШЧИЛИГИДАГИ БИР ГУРУҲ ДЕПУТАТЛАР ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА БЎЛИШДИ.

Қарши ҳамда Шаҳрисабз шаҳарларида маҳаллий кенгаш депутатлари билан ўтказилган тадбирларда Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтилди.

Тадбирларда депутатлар, фаоллар, ёшлар вакиллари янгиланаётган Конституциямизнинг референдум орқали қабул қилинишини қанчалик аҳамиятли экани, умумхалқ муҳокамаси ҳар томонлама мукамал ташкил этилгани, парламент палаталари йиғилишларида конституциявий қонун очик ва ошқора муҳокамалардан ўтказилганини алоҳида таъкидлашди.

Ғузур туманидаги Даштот маҳалласида ўтказилган учрашувда кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, фуқароларнинг кўрсатаётгани айтиб ўтилди. Айниқса, яқин беш-олти йил орасида юртимизда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинаётгани, аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятлари кенгаётгани, халқимиз дастурхонига сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиш ҳажми

ошаётгани қайд этилиб, аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан одамларнинг мамнун бўлаётгани қайта-қайта эътироф этилди. Эътиборли жиҳати, қабул қилиниши кутилаётган янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам бевосита қишлоқ хўжалиги тармоғи, жумладан, барча ер майдонларидан оқилна фойдаланишга қаратилган асосли қонунлар акс этгани ҳам урғуланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вакиллари, шунингдек, тумандаги Янгиҳаёт маҳалласида "Очиқ бюджет" тизими орқали амалга оширилган ибратли ишлар билан ҳам танишишди. Бу жараёнда маҳалла фаоллари ушбу тизим орқали ўз гушларини обод қилганилари, бу тизим аҳолини йиллар давомида қийнаб келётган айрим муаммоларнинг ечимини топишда муҳим омили бўлаётганини қайд этиб ўтилди.

Қадим Шаҳрисабз шаҳридаги маҳаллаларда ҳам фуқаролар билан бўлиб ўтган учрашувларда хунармандчилик соҳасида давлатимиз раҳбари томонидан яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар соҳанинг ривожиди, аҳолининг бандлигини таъминлашда, хунармандларнинг ўзлигини кенг намоён қилишда муҳим омили бўлаётганини айнан ўз фаолиятлари мисолида айтиб ўтилди.

Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларда фуқаролар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, конституциявий қонун лойиҳасининг юртимиз тарихида илк бор референдум орқали қабул қилинаётганини мамнуният билан маъқуллади, янгиланаётган Бош қомусимиз чин маънода халқ Конституцияси бўлишига ишонч билдирди.

МУХБИРИМИЗ

БУГУНГИ СОНДА:

ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

2

ИМТИЁЗНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!

5

ЎЗБЕК ЭЛИ ВА НАВОЙ ТИЛИ

6

БИЗ ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАНЛАЙМИЗ!

O'zLiDePнинг конституциявий қонун лойиҳаси тарғиботига бағишланган навбатдаги эвент-тадбири Хоразмда бўлиб ўтди

O'zLiDeP Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан Янгиариқ туманидаги амфитеатрда очик осмон остида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган эвент-тадбир ташкил қилинди.

"Инсонга фаровонлик, жамиятга эркинлик, давлатга масъулият!" шiori остида ўтказилган ушбу тадбирда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар ва партия вилоят кенгаши ходимлари, халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган партия вакиллари шу кунларда Ўзбекистонда ўзига хос тарихий жараён кечаётгани – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ортага қайтмаслигини таъминлашга қаратилган, ҳар жиҳатдан мукамал, юртимизда юз бераётган янгиланишларга мос конституциявий-ҳуқуқий асос вужудга келтирилганини эътироф этишди. Асосий қонунимиздан ўрин олаётган нормалар мамлакатимизнинг бугунги ва эртаси учун улкан аҳамиятга эга. Жамиятимизни либераллаштириш, демократлаштириш тарафдори бўлган O'zLiDeP ҳозирги жараёнларда "Биз эркинлик учун овоз берамиз!", "Биз очиклик ва ошкораликни танлаймиз!", "Биргаликда очик жамият сари!" каби шiorларни ҳам илгари сурмоқда. Сиёсий кучнинг ғоят фаоллиги нафақат конституциявий ислохотлар ташаббускорларидан бири экани, балки Асосий қонун такомиллаштири-



лиши асосида турмуш ғоялар партия дастурий қарашларига ҳамоҳанглиги билан изоҳланиши таъкидланди.

Нотиклар қайд этганидек, ҳужжатда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда. Умуман, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга ошмоқда.

Илк мартаба давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари ҳаёт сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланмоқда.

Депутатлар томонидан давлат ўз зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳа объеклари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлашиш, таълим олишига кўмаклашиш мажбуриятини олаётгани ҳам ижтимоий давлат таъминининг яққол ифодаси эканлиги таъкидланди.

Тадбирда партия фаоллари, тадбиркор ва ишбилармонлар, фахрийлар, ёшлар ҳам сўзга чиқиб, халқимиз тақдири ва эртанги кунини белгилаб берадиган тарихий қонунга бефарқ бўлмасдан, 30 апрелда ўтадиган референдумда фаол иштирок этишга барчани чорладилар.

O'zLiDeP матбуот хизмати

МУЛОҚОТ

ФАРОВОНЛИК, ЭРКИНЛИК, МАСЪУЛИЯТ

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси **Ақтам Хаитов** бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари **Нишон туманида** фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида баҳорги дала юмушларининг бориши билан танишдилар. Туман ҳокими ёрдамчилари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фермер ва деҳқон хўжалиги раислари иштирокидаги ўқув семинарида насос орқали суғориладиган экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришда сув тежамкорлигига эришиш, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар берилди.



чи" кўрак нишони билан тақдирлангани бежиз эмас.

Мулоқот давомида Президентимизнинг 2023 йил 26 январдаги "Пахта хом ашёси етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил фикр юритилди. Пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатни йўлга қўйиш, пахта хом ашёсини етиштирувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан амалий тавсиялар берилди.

Нишон туманида 36 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, шундан 18 тасида "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда. Илгари нишонликлар картошкани бозордан харид қилишарди. Ҳозирда катта майдонлардан минглаб тонна картошка ҳосили олаётган тажрибали фермер ва томорқачилар бор.

Туманда 27 229 нафар деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари бўлиб, улар 3281 гектар майдонда меҳнат қилишмоқда. 2430 гектар ерда эртапишар, 1444 гектар майдонда такрорий, 1845

гектарда эса тўқсонбости экинлар экилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ўттиз фоизга кўп.

О'zLiDeP етакчиси нишонлик дала меҳнаткашлари билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини тайёрлашда тадбиркор, ишбилармон, фермер ва кластерларнинг тақлифлари инобатга олинганини, мулк ҳуқуқи, уй-жой дахлсизлигини таъминлаш масалалари Бош қомусида ўз аксини топаётганини алоҳида таъкидлади. Сўнгги олти йил давомида тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес вакилларига қулай шароит яратиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинганига урғу берди. Энди бу нормалар Конституциямизда мустаҳкамланмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари мулоқот якунида қишлоқ мулкдорларининг референдумни ўтказишга қўйлаётган тайёргарлик ва ушбу сиёсий тадбирнинг долзарб аҳамиятига оид саволларига жавоб қайтаришди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Суратни
Зойиржон НОРБЎТАЕВ олган.

ТАРИХИЙ ЖАРАЁН АРАФАСИ

◀◀Бошланиси 1-саҳифада.

Бундан ташқари, лойиҳада Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, истеъмолчининг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши ҳам қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Либерал-демократик концепциянинг ташаббускори, ташувчиси бўлган О'zLiDeP Асосий қонунимиздан ўрин олаётган маз-

кур ўзгартишлар, янги қоидаларни тўла қўллаб-қувватламоқда. Конституция лойиҳаси партия дастурий мақсадларига

ҳамоҳанглиги, ўз электоратининг хоҳишини тўла ифода этиши, халқимиз қалбидagi оруз-истакларни рўёбга чиқариши, шу боис уни ҳеч иккиланмасдан халқ конституцияси деб аташ зарурлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар барчани референдумда фаол иштирок этишга чақирди. Тадбир концерт дастурига уланди, эстрада хонандаларнинг куй-кўшиқлари қатнашчиларга завқ улашди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши
матбуот хизмати

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ КАФОЛАТИ

О'zLiDeP Бектемир туман кенгаши ташаббуси билан Қўйлиқ улғуржи бозори ҳудудида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланган ташвиқот тадбири бўлиб ўтди.

"Янги Ўзбекистон тараққиёти учун бирлашайлик" шiori остидаги ушбу тадбирда сўз олган партия вакиллари бугун барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини юксалтиришга қаратилгани, Бош қомусимизга киритиладиган жамияти ўзгаришларнинг негизда ҳам юртимизда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи "Инсон қадри учун" улғуржойи ёқиси ётганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда партия фаоллари, тадбиркорлар, фахрийлар, ёшлар ҳам сўзга чиқиб, халқимиз тақдирини ва эртанги кунини белгилаб берадиган тарихий қонунга



бефарқ бўлмасдан, 30 апрелда бўлиб ўтadigan референдумда юртдошларимизни фаол иштирок этишга чақирдиши.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати



ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Айни кунларда нафақат бугунимизни, балки келгуси ўн йилликлардаги халқимиз турмуш тарзини, давлатимиз ривожининг асосий йўналишларини белгилаб берадиган янгилаётган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш юзасидан турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Хўш, бу сиёсий жараён олдингиларидан нимаси билан фарқ қилмоқда?

Саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари, жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаоллари томонидан ташкил этилаётган оммавий тадбир, очиқ мулоқот ва учрашув иштирокчиларидан жавоб топишга интилдик.

– Биз сўнгги олти-етти йилда одамларимизнинг сиёсий онги, дунёқараши ошгани, энг чека қишлоқларда ҳам кўпчилик фуқаролик позициясига эга бўлиб бораётгани ҳақида кўп гапирамыз. Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган учрашув ва мулоқотларда бу шунчаки қуруқ гап эмаслигини, юртдошларимиз чиндан ҳам сиёсий жиҳатдан анча фаоллашганини, нафақат ўзларининг, балки мамлакатимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида қайғураётганини кузатиб, жуда қувондим, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Феруза Нигматова.

Дарҳақиқат, яқин-яқиндаги одамларимизни, айниқса, қишлоқ аҳолисини сиёсий тадбиркорлар мажбурий йиғиб келишар, узундан узок маърузалар ўқиладиган мулоқотлар зерикarli мажлисбозликдан фарқи йўқ эди. Ҳамма ўтган вақтига ачинадди. Қолаверса, кўпчилик юртимизда бўлаётган сиёсий, иқтисодий жараёнлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслигидан ёки дилидагини тилига чиқаришга ўрганмаганидан мулоқотлар кўпроқ маърузачининг монолоғига айлиниб кетарди. Бугунги тарғибот тадбирларида бутунлай ўзгача вазиятни кузатиш мумкин.

– Очиғини айтиш керак, оддий одамларни янгилаётган Конституциямизда менинг, фарзандларимнинг фаровон ҳаёти учун қандай асослар яратилмоқда, деган савол кўпроқ қизиқтиради, – дейди ғаллаорлик меҳнат фахрийси Хидирбой Маматқулов. – Бугунги очиқ мулоқотда кўрдингиз, одамларга жой етмай қолди. Биз ҳамқишлоқлар билан Конституция лойиҳасига анчагина тақлифлар ҳам берган эдик. Шу маънода кучли ижтимоий ҳимоя ва мухтожларга ғамхўрлик давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолиши белгилаб қўйлаётганини бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз. Референдум кунини Бош қомусимизни ёқлаб овоз берамиз-да!

Бўлиб ўтаётган тадбирларда яна бир ҳол кўзга ташланмоқда. Турли тоифа, касб ва ёшдаги одамлар Конституциямизда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари акс этганини таъкидлашмоқда. Айниқса, ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилиши кўпчилик йигит-қизларимизни руҳлантириб юборди.

– Аслида-ку мамлакатимизда ёшларга эътибор аллақачон давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда бу ғамхўрлик қўлама ва сифат жиҳатдан ўзига хос босқичга чиқарилмоқда. Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши ва бунинг учун шарт-шароитлар яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олаётгани Асосий қонунимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган, – дейди "Мард ўғлон" мукофоти соҳибни, ёш иштироки Қодир Қоплонбек Сафаров.

– Очиғи, бундан етти-саккиз йил бурун педагогик касбини йиғиштириб, бошқа тирричилик қилсаммикан, деган фикрга ҳам борган эдим, – дейди зарбдорлик физика фани ўқитувчиси Фурқат Алламуродов. – Чунки қишлоқ ўқитувчиси қўламада чоғлик, кузда пахта теримидан тортиб, ободончиликми, бирор тадбир дейсизми, тайёргина текин мардикорга айланган эди-да. Ўқитувчиларда ўз устидан ишлаш, янгиликларни ўрганишга вақт етмасди. Устига устак, қоғозбозлик, ҳисоботбозлик керагидан ортиқ эди. Кейинги йилларда ўқитувчиларга муносабат яхши томонга ўзгариб бораётгани кўпчилик тажрибали ҳамкасбларимизни яна мактабларга қайтарди. Қомусимизда таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятлари кенгайтирилиши билан бирга ўқитувчиларга конституциявий мақом берилмоқда. Энди таълим тизимида бошланган ўзгаришлар, муаллимларга муносабат фақат ижобий томонга қараб ўзгариб боришига ишонч ҳосил қилдик.

Тадбиркорлар ва мулк ҳуқуқининг кафолатланаётгани, ҳокимларнинг халқ депутатлари кенгашларига раҳбарлик қилиш институти бекор этилиши, парламентаризмнинг кучайтирилиши, маҳалла мақомининг оширилаётгани ва буларнинг барчаси янгилаётган Конституцияда мустаҳкамлаб қўйлаётгани одамларимизнинг бугунги кундан рози бўлиб, эртанги кунига ишонч билан қарашига ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтади. Бу эса янги Конституцияда ИНСОН деган улғу ном, унинг бахти-қамоли ҳамият ривожини ва давлат тараққиётининг асосий мезони деб белгилаб қўйлаётганининг далоятидир.

Энг муҳими, бу оддий ҳақиқатни оддий одамлар ҳам яхши англаб етишмоқда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИМИЗГА АЙЛНАДИ

Янгилаётган Конституциямизда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли, албатта. Унда Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг тақиқланиши қатъий таъкидланди. Шунингдек, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, фуқарони ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги белгиланди.

Яна эътиборли жиҳатлар: айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугалган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига хал қилиниши кераклиги, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига ҳос бўлган шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланмоқда.

Айтиш жоизки, инсоннинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш мақсадида давлат

ва жамоат бошқарувидаги туб ўзгаришлар янгилаётган Асосий қонунимиздан муносиб жой эгалламоқда. Лойиҳанинг 36-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилиши, 37-моддада эса Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга эканликлари кафолатланмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусий мулкчилик, тадбиркорликка кенг эркинликлар бериш, қулай иш муҳитини шакллантириш таъминланаётгани ҳам соҳада катта ўзгаришларга замин ҳозирлайди.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг референдум орқали қабул қилиниши янги Ўзбекистонни барпо этиш, бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсон қадри улғундангидан халқларвар давлат бунёд этиш учун ҳуқуқий пойдевор бўлади. Шубҳасиз, ушбу ҳужжат юрт тинчилиги, Ватан раванқини, халқимиз фаровонлиги, фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Муҳаммади УСМОНОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети
профессори, юридик фанлар доктори,
Баҳриддин ҒИЁСОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети
катта ўқитувчиси, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ - КЕЛАЖАГИМ

ШУ КУНЛАРДА О'zLiDeP ВА УНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ, ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ ВА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИШМОҚДА.

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ АҲОЛИГА КЕНГРОҚ ЕТКАЗИШ ВА 30 АПРЕЛЬ КУНИ БЎЛАЖАК РЕФЕРЕНДУМДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШГА ЧАҚИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАЗКУР ТАШВИҚОТ УЧРАШУВЛАРИ ҚИЗҒИН ВА КЕНГ ҚАМРОВЛИЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

✓ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ДАВЛАТ ГРАНТИ КЎПАЯДИМИ?

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетиде ана шу мақсадда ташкиллаштирилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Мухтор Ибрагимов, Нукус шаҳар адлия бўлими ходимлари, университетнинг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мухтор Ибрагимов Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича маълумот берди. Таъкидлаганидек, ҳужжатда **давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, уларнинг ишга жойлашиши, таълим, зарур ахборотни тўқтинликсиз олиш имкониятини таъминлаши мустаҳкамланди.** Ижтимоий давлатга хос ёндашув кўплаб моддада ўз ифодасини топмоқда.

Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб икки баробар ошмоқда. **Фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти** ҳисобидан ўқиш имконияти белгиланди. Маълумот тариқасида айтиш мумкинки, 2017 йилгача олий ўқув юрларида ўқиш учун давлат грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охириги олти йилда аҳвол бутунлай ўзгарди. **Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингга етди. Магистратура учун эса 5 бараварга ошди.** Асосий қонунда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-хунарга ўқитилиши, давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида **ғамхўрлик қилиш мажбурияти** кучайтирилмоқда. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан ортиқ ўқитувчининг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаши, жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўси янада ошишига хизмат қилади.

Фаоллар ана шулардан кейиб чиқиб, талаба-ёшларни референдумда фаол қатнашишга чақирди.

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

✓ ТОШКЕНТ ШАҲРИ

БАРЧА ҚАТЛАМ МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар, янги таҳрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар, давлатнинг халқ олдидаги мажбурияти бир неча бараварга ортиганини эътироф этишди. Чунки лойиҳани ишлаб чиқишда айнан “Инсон манфаати – ҳар нарсадан устун” деган мезон асос қилиб олинган.

Шунингдек, ёшларга, аёлларга берилган имкониятлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Аҳолимизнинг 18 миллиондан ортиғи ёшлар экани, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласида алоҳида боб киритилаётгани таъкидланди.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

✓ НАВОИЙ

ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАЛАДИ

Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли Навоий машинасозлик заводиде ҳам конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Акшагул Тулеғенова, Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутатлари А. Бобомуродова ва А. Рустамов иштирок этди, Асосий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталишди.



Янгиланаётган Бош қомусимизда барча соҳаларда киритилаётган ўзгартиш ва янгиланишларда инсон қадрини устунигини мисоллар билан тушунтиришди. Қатор моддаларига изоҳ берилди.

Тадбир куй-қўшиқларга уланди, она Ватан, юрт мадҳи ҳақидаги шеърлар, наволар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати

✓ ХОРАЗМ

ТАҚДИРИМГА БЕФАРҚ ЭМАСМАН

Урганч давлат университетиде О'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши томонидан “Янги авлод кадрлари” лойиҳаси доирасида ўтказилган мулоқотда кенгаш бўлим мудири

Шухрат Атажонов, халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаши депутати Д. Жуманиёзов ҳамда устозлар ва талабалар иштирок этди.

Шухрат Атажонов қайд этганидек, бугун халқимиз конституциявий ислохотлар жараёнида фаол фуқаролик позициясини намоён қилиб келяпти. Айни фаоллик сиёсий-ҳуқуқий саводхонликнинг ошганини кўрсатмоқда. Бу эса мамлакатда фуқаролик жамиятини кучайтириш ва сўз эркинлигини таъминлаш чора-тадбирларининг амалий ифодасидир.



Конституциявий ислохотлар жараёнида энг кўп фаолликни айнан ёшлар кўрсатаётгани қувонарли. Янгиланаётган Конституцияда Ўзбекистон ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий демократик давлат эканлиги белгилаб қўйилмоқда. Бу эса юртимизда болалар, ўсмирлар, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ва имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур шароитлар яратилишини аниқлатади.

Учрашув давомида Конституцияга киритилаётган янгиланган тўғрисида, шунингдек, референдум ўтказиш тартиби, унда иштирок этиш бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Ҳужжатда ёшлар масаласи алоҳида бобда олиб чиқирилиши Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигига яққол мисол бўлиши таъкидланди.

– Тенгдошларим қатори менинг ҳам ҳаётимда янгиланаётган Конституциянинг ўрни катта, – деди университет талабаси Мадина Мадраҳимова. – Билим олиш, касб-хунар ўрганиш, ишлаш, дам олиш ва даволашни ҳуқуқларига эгаман. Ўзбекистон фарзанди сифатида орзуларга етишиш йўлидаги барча эшиклар мен учун очик эканини биламан ва бундан ғурурланаман. Эртанги тақдиримга бефарқ эмасман ва шу боис референдумда фаол иштирок этаман.

Севара РЎЗМЕТОВА,
О'zLiDeP Хоразм вилояти кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалар билан ишлаш бўлими мудири

✓ НАМАНГАН

КАФОЛАТЛАНГАН БЕПУЛ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Ушбу норма янгиланган Конституция лойиҳасига киритилган. Умуман, ҳужжатда саволатлиқни асраш билан боғлиқ меъёрлар 4 баробар кўпайтирилмоқда. Бу аҳоли соғлигини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Наманган вилоят кардиология марказида бўлган давра суҳбатида О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши раиси Солиҳон Мўминов ва аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Б. Исоқова янгиланаётган Конституциядаги ана шу каби ўзгаришлар хусусида маълумот берди. Таъкидлаганидек, **жорий йилда “Кафолатланган хизматлар пакети” қайта кўриб чиқилиб, унда 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинади.**

– Кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги бепул анализ турлари – 15 тадан 25 тагача, текширувлар – 10 тадан 20 тагача, дори-лар – 64 тадан 90 тага оширилди. Шундай экан, сиз, соҳа эгалари бўлажак референдумда фаол иштирок этишингиз ва янгиланаётган Бош қомусимиз учун овоз беришингиз лозим, – деди партиянинг вилоят кенгаши раиси С.Мўминов.

Ўз навбатида, иштирокчилар ҳам бу улкан сиёсий жараёнга бефарқ эмасликларини, унда қизғин иштирок этишларини билдиришди.

Шунингдек, Наманган вилоят Давлатобод туман тиббиёт бирлашмасидаги давра суҳбатининг асосий мавзуси ҳам янгиланаётган Бош қомусимиз хусусида бўлди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сардорбек Ғиёсов қатнашиб, йиғилганларга Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва референдум ҳақида тушунчалар берди.

✓ СИРДАРЁ

ЁШЛАР МАНФААТИ ҲАММАСИДАН УСТУН

О'zLiDeP Боёвут туман кенгаши фаолларининг 1-касб-хунар мактаби ёшлари билан учрашувда туман адлия бўлими бошлиғи А. Холматов, партия вилоят кенгаши депутати А. Бобобеков, кенгаш аппарат раҳбари М. Дадаева янгиланаётган Конституцияда ёш авлодининг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатлари ҳимояси янада кучайтирилганлигини етказишди.

Ҳақиқатан ҳам, Бош қомусимизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилмоқда. Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой

маданий меросидан фахрлиниши, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланаяпти.

Ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилапти. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмақдаки, мазкур нормалар нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир. Ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга еттунига қадар нафақат боқиш ва тарбиялаш, балки уларнинг таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши учун ҳам ғамхўрлик қилиши белгиланмоқда.

Хусанхон ЖАББОРОВ,
О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши бўлим мудири

О'zLiDeP Каттақўрғон туман кенгаши ва ҳудуд ҳокимлигининг ўзаро ҳамкорликдаги тадбири ҳам Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига бағишланди.

– Ҳужжатда Ўзбекистон давлатининг сиёсий-ҳуқуқий мақоми ўзгартирилмаслиги ва қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонданнинг белгилаб қўйилгани халқимизнинг қатъий қарорини ифодалайди, давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлайди, тараққиёт йўлимиз барқарорлигини таъминлайди, – деди кенгаши раиси Рўзимурод Жўраев.

Учрашувда сўз олганлар референдумда барчани фаол иштирок этишга чақирди.

✓ АНДИЖОН

ФАОЛЛИККА ЧОРЛОВ

Андижон давлат тиббиёт институтида тарғибот-ташвиқот тадбирини О'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши уюштирди. Унда маҳаллий кенгаш депутатлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Партиянинг вилоят кенгаши раиси Хуршидаҳон Халилова Бош қомусимизни такомиллаштириш бўйича янги ва жуда масъулиятли босқичга қадам қўйилганини алоҳида таъкидлади.



Сиёсий кучнинг бошқа фаоллари ҳам сўзга чиқар экан, фурсатдан фойдаланиб, умумхалқ референдумида барчани фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда фаол иштирок этишга чақирди.

✓ БУХОРО

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ва ҳудудий кенгаш фаоллари ҳам “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини халққа етказиш ҳамда ушбу муҳим ҳужжат бўйича ўтказиладиган референдумга тайёрлик борасида фаоллик кўрсатишмоқда.



Ромитан туманидаги 1-касб-хунар мактабиде педагог ва ўқувчилар иштирокидаги мулоқотда Халқ депутатлари туман кенгаши котибият мудири, маҳаллий кенгаш депутати Раҳима Атоева ва О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Насриддин Воҳидов Конституциявий қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамланганини мисоллар билан тушунтирди.

Ўз навбатида, ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Саҳифани “XXI asr” муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

ойна

ИМТИЁЗНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛМАНГ!

ЮРТИМИЗДА СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЖУДА КЕНГ КЎЛАМДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ, ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА РАВНАҚИГА ЎЗЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ҲИССА ҚўШАПТИ.

ЁХУД КРЕДИТ АЖРАТИШ ТИЗИМИ МАСАЛАСИНИ ЖИДДИЙ ЎЙЛАБ КЎРИШ ВАҚТИ ЕТДИ



Давлатимиз раҳбари, айниқса, ишбилармонлар қатлами қонуний асосда ҳимоя қилиш, уларга ўз фаолиятларини ҳалол ва рақобат асосида олиб боришлари учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича тегишли топшириқлар бергани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, бу борада мамлакатимизда мустақкам, жaxon андозаларига мос қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Лекин...

Баъзи жойларда айрим нопок кимсалар яратилаётган имконият ва имтиёзларни суиистеъмол қилиб, ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этишмоқда. Алақибат, тадбиркорнинг синиши – орзусидаги лойиҳасини амалга оширмаслигига сабаб бўляпти.

Афсуски, бу бир-икки ҳолат эмас! Хоразмнинг Хонқа тумани қадимдан хунармандлар эли ҳисобланади. Бугунги кунда воҳода тайёрланаётган турли мебелларнинг деярли 46 фоизи хонқалик қўли гул усталар ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни пайтда ҳудудда ноёб тадбиркорлик турлари ҳам пайдо бўляпти.

Тумanning Гулғунча маҳалласида яшовчи Алишер Оллоқулиев оила аъзолари билан биргаликда 2019 йил бошида “Алишер пласт” оилавий корхонасини очиб, унда турли ўлчамдаги пластик идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир турли сифимдаги пластик идишларга бўлган талаб жуда катта. Харидорнинг махсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган тадбиркор ўшандаёқ ўз ҳисобидан алоҳида цех таъминоти тиклаб, 10 нафар бекор юрган кишини иш билан танинлаб, аста-секин ўз бизнесини бошлаган. Ишлаб чиқараётган махсулотига талабдор кўпчилигини инобатга олиб, оилавий корхона фаолиятини кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратишни мақсад қилади. Бунинг учун эса маблағ керак.

Ҳаммаси аслида шундан бошланади. 2019 йилда “Халқ банки” туман филиалидан 350 миллион сўм кредит олади тадбиркоримиз. Бу кредит оилавий корхонага қўшимча ускуналар сотиб олиш учун зарур эди. Энг қизиғи, ушбу кредитнинг 200 миллиони имтиёзли эди. Кредитни олишда туман ҳокимлиги тадбиркорга ёрдам қўлини чўзганини ҳам алоҳида эътироф этиш керак.

“Халқ банки”нинг туман филиали олинган кредитни Бухоро вилоятида фаолият юритаётган “Жобирбек фазл сервис” МЧЖ ҳисобрақамига ўтказиб беради (бу корхона Алишернинг ўзи толган). Зарур ускуналарни етказиб бериш бўйича икки ўртада чиройли мухрлар урилган шартнома ҳам тузилади. Тадбиркор ўз ҳисобидан яна 100 миллион сўмни ҳам мажбурий МЧЖ ҳисобрақамига ўтказилади. Аммо “Жобирбек фазл сервис” МЧЖ шартнома шартларини бажаришни узоқ вақтгача ҳеч қандай сабабларсиз чўзиб келади. МЧЖ раҳбари Жасурбек Шарипов билан Алишер бу борада неча марта телефон орқали боғланади. У фақат ваъдалар бериш билан чекланаверади. Ускуналарни олишдан умидвор бўлган Алишер шу орада Бухорога ҳам неча марта бориб келади.

Ортиқча оворагарчилик, асаббозарлик ҳолатларини бошидан кечирган тадбиркор бу ерда қандайдир фитна борлигини сезади ва иши битмагач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Маълум бўлишича, “тадбиркор” мақомидаги Жасурбек Шарипов деган кимса оддий фарибгар бўлиб, сохта МЧЖ раҳбари бошқа тадбиркорларни ҳам шундай йўллар билан ҳув туширавериб, кўпларнинг катта-катта миқдордаги пул маблағларини талон-торож қилиб, ўз манфаати учун ишлатиб юбораверган экан.

Мазкур иш доирасида содир этган жиноий қилмишлари учун “Жобирбек фазл сервис” МЧЖ раҳбари Жасурбек Шарипов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси, 4-қисми билан айбдор деб топилди, 8 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Аён бўлишича, бу фарибгарнинг номида ҳеч қандай моддий қийматга эга мол-мулк йўқ экан. Суд айни пайтда Алишер каби яна бир нечта жабрдийдалардан ҳам олган неча миллионлаб маблағларини шавҳор (энди қамалган жиноятчи десак тўғрироқ бўлар) жасодан ундириш ҳақида қарор ҳам чиқариб берган. Лекин унинг номида қўлга олинган бирор мол-мулк йўқлиги сабабли суд қарорини ижро этиш имконияти йўқ!

Энди нима қилиш керак? Фарибгар кимса тузоғига тушиб, 450 миллион сўмга қуйиб қолган Алишер Оллоқулиев бошини қайга уришни билмайди бугун. Ўтган йиллар давомида банкдан олган 350 миллион сўмнинг бир қисmini – яъни 180 миллион сўмини (банк фоизлари ҳисоби билан) қайтариш мажбуриятида қолгани корхонанинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатганини айтиб ўтирмайлик.

Банкдан олинган кредитлар учун А. Оллоқулиев ўша вақтда 342 миллион сўмга баҳоланган мол-мулкни ҳам гаровга қўйганди...

Бошқа вилоятда гўё зўр “фаолият юритаётган” корхонанинг товламачи раҳбари Ж. Шарипов ўз юртдошларининг рўзғорини бут қиламан деб елиб-югуриб юрган Алишерга ўхшаган яна нечта тадбиркорни “ухлатган”.

Не-не машаққатлар эвазига ўз бизнесини бошлаган, корхонага янги ускуналар олиб, яна иш ўринлари очишни ният қилган хонқалик тадбиркор бугунги кунда сарсону саргардон. Олинган кредитлари учун гаровга қўйилган бино эртами-инди барибир банк балансига ўтиши аниқ.

Хўш, бундан ким ютади? Ҳеч ким! Ҳудудда замонавий, харидорбоп махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркор энди синди. Туппа-тузук ишлаб турган одамлар эндиликда ишсизлар сафини тўлдирдиши.

Шу ўринда бир мулоҳаза: тадбиркор кредитни нақд пул кўринишида ёки ўз корхонаси ҳисобрақамига ўтказиб олганидан ва аянчи ҳолат рўй бермас, у харид қилмоқчи бўлган ускунани кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаб, кейин ҳисоб-китоб қилиши мумкин бўларди-ку! Аслида, “Сувни кўрмай этик ечманг” дейилмиш отасўзимиз беҳуда пайдо бўлмаганига бундай кўнгилсиз воқеаларни эшитгач, амин бўлмай иложи йўқ одамнинг.

Эсингизда бўлса, олдинги даврда тижорат банклари истеъмол кредитларини миқдорга эмас, балки ўша махсулотни сотаётган дўкон ҳисобрақамига ўтказиб бериш ама-

лиётини қўллашарди. Бунда банк ва махсулот сотувчи орасида қандайдир “келишув” бўлмаганига ҳеч ким қафлат бера олмади...

Яна бир воқеани эшитинг: жиянимизнинг уйда ишсиз ўтирган турмуш ўртоғи маҳалласидаги “Аёллар дафтари”да турарди. Икки йил олдин Боғот туман ҳокимлиги унга вагон типидagi савдо шохбчаси қуриш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб беришни тижорат банклари зиммасига юклагач, қизиқ томошалар бошланди. Банк маъмурияти кредитни Хива туманида фаолият юритаётган бир фирмага ўтказиб беришни таклиф қилади. Нима эмиш, шу фирма ўша митти савдо шохбчасини тайёр ҳолда етказиб беради. Маълум бўлишича, ҳалиги фирма таклиф қилаётган шохбча нархи 45 миллиондан 65 миллион сўмгача тураркан. Кредит миқдори эса маълум – 33 миллион сўм. Ишсиз, “Аёллар дафтари”да турадиган фуқаро қўшимча маблағни қаердан олсин, айтинг!

Охири бўлмади, бу масалага аралашига тўғри келди. Банк маъмуриларига “Сизлар икки ўртада воситачилик қилмоқчимизлар? Бундан сизларга манфаат борми? Кредитни нега нақд кўринишда бермайсизлар?” дея эътироз билдирганимдан сўнг улар ҳам бошларини қасишиб қўлиди...

Ниҳоят, жияним ўша кредитга хув узоқдаги хивалик “тадбиркор” аёл суратларини ҳавола қилган вагон типидagi савдо шохбчаларидан кўп қарра қулай ва мустақкам дўконча тиклаб, ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Бу билан нима демоқчиман? Айрим тижорат банклари айнан шу каби “воситачилик” қилиб, эвазига мўмайгина даромад топаётгани ҳолатларидан, афсуски, кўз юмиб бўлмайди. Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди-ку, тўғрими?

Бу каби ғалати, ажабтову ҳолатларга уч йиллар олдин кам таъминланган оилаларга чорва моллари харид қилиш учун имтиёзли кредит ажратилганида ҳам дуч келгандик. Масъул банклар ўшандаям ажратилган кредитни нақд пул кўринишида беришмади, балки қайсидир чорва фермери ҳисобига ўтказишди. Натижада бозорда 750 – 800 минг сўмдан сотиб олиш мумкин бўлган қўй-қўзилар бир ярим миллиондан, 7-8 миллион атрофида турадиган сигирлар эса ҳатто 15 миллион сўмдан баҳоланиб, оилаларга тарқатиб берилди.

Орадаги фарқ нимани англатишини тушунарсизми энди (шундай банклардан бирида ишлайдиган ва айнан кам таъминланган оилаларга чорва моллари учун имтиёзли кредит ажратишга масъул ходим бирданга икки қаватли дўкон кураганига кўнчилиқ хайратланганича бор)?!

Бугун тадбиркору оддий фуқаро ҳам кредитга муҳтож ўринлар кам эмас. Демак, **ишбилармону оддий одамга (етарлича гаров қўйилган ҳолатда) кредитни нақд кўринишида ёки кўнчилиқ карточкасига ўтказиб бериш амалиётини қатъий белгилаш керак!**

Шунданга бошқаларнинг бошига ҳам хонқалик Алишер Оллоқулиев каби жабрдийдаларнинг фожалии кунни тушмайди. Кредит эса тадбиркорлик субъектининг ривожланишига хизмат қилади, инкирозига эмас!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

МАДАД

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар давомида томорқачиликни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чо-



ЭЛНИ ЕР БОҚАДИ, ЕРНИ ЭСА...

ра-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ҳужжат асосида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида алоҳида жағарма тузилди. Бугунги кунда жағарма томонидан соҳа эгалари ва соҳага тааллуқли субъектлар, кооперативлар молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Яхшиси, мисоллар келтирайлик: ўтган беш йил ичида 46 400 дан ортиқ томорқа ер эгалари ва кишлоқ хўжалиги корхоналарига 1 триллион 395 миллиард сўмдан ортиқ молиявий кўмак берилди. Ўтган йил давомида 18 мингдан ортиқ ташаббускорга 619

миллиард сўм маблағ имтиёзли кредит сифатида ажратилган. Натижада 1 968 та хонадонда 51,8 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилган бўлса, 2 545 та хонадонда 47 000 дан ортиқ зотдор қўй, яна 1 850 тасида эса 5 740 та қорамол, 1 823 тасида 405 мингдан ортиқ зотдор парранда, 615 тасида 11 100 дан ортиқ асалари оиласи, 195 та хонадонда 9,1 мингдан ортиқ куён ва 405 нафар фуқаро томонидан салкам 680 та мотокультиватор сотиб олинган. Шунингдек, 855 нафар томорқа ер эгаси 19,2 млрд сўмлик кўчат ва уруғ харид қилган, 135 нафар томорқа ер эгаси эса боғ ва тоқзор ташкил этиш учун 3,5 млрд сўм-

лик сармоя олган.

Қувонарлиси, ушбу ҳаракатлар натижасида жорий йилда жами 1 660 дан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди. Албатта, асосий мақсадимиз юртимизда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини моддий қўллаб-қувватлаш ва бу орқали хавфсиз озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришидир.

Элмурод БОЗОРОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жағарма бўлим бошлиғи

ОДАМКУШЛАР

Одам савдоси – инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, қўл бўлишга маҳкум этиш, умрига зомин бўлиш, эрки, тақдири ва келажакни оёқ ости қилишдек энг оғир ва жирканч жиноятдир. Минг афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, олди-сотдига айлантириб, мўмайгина даромад топаётганлар орамизда ҳамон учраб туради.

Бу турдаги жиноятларни аёллар содир қилиши эса барчани янада сергакликка ундайди. Эндигина 22 ёшни қарши олган, турмуш қурмаган ҳолда фарзандли бўлган Зилола Олимова (мақолада исм-фамилиялар ўзгартирилган) талончилик ва бошқача жиноятларини содир қилгани учун икки марта судланиб, озоқликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганига, унинг ҳамтовоқ тенгдоши, турмушдан ажрашган Салима Тўхтаева эса ўғирлик содир қилгани учун икки марта суднинг “қора курси”сига ўтиришга улгурганига таажжуб дейишга ҳам ожиз қолади одам.

Улар ўзларига нисбатан амнистия актлари қўлланиб, жазодан озод қилинишларининг моҳиятини тўғри англаб етмади, аксинча “имтиёз” ўрнида қабул қилишди ва яна жирканч жиноят сари одимлашди. Уларга ногирон фарзанди даволатиш учун пул топиш мақсадида Тошкент вилоятидан Қарши шаҳрига келган Ҳамида жуда қўл келди. Жувонгина яшашга уй-жой, иш излаб юрганини билиб, уй-жой ва иш топиб берамиш дея алдаб, ўзлари вақтинча яшаган уйга олиб келишиб, ювинтириб, кийим-кечак кийдиришиб, “нафс қуллари” билан

ЖАЗОЛАНДИ, АММО...



маълум ҳақ эвазига “муносабат қуриш”га мажбурлашиб, ўзларининг ғаразли ва жирканч ниятлари йўлида фойдаланиб келишган.

Бу ҳам етмаганидек, ўтган вақт мобайнида Ҳамидани мунтазам равишда қийнаб, қорин, кўкрак қафаси ва танасининг дуч келган жойларига уриб, тепиб, қасддан оғир шикаст етказишган. Энг дахшатлиси, ушбу аёвсиз тан жароҳатлари оқибатида аёл вафот этган...

Тўғри, икки жиноятчи ҳам айбига яраша жазосини олди – узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бироқ марҳумани ким қайтариб бера олади?! Етказилган азоб-қўқубат ўрнини нима билан қоплаш мумкин? Афсуски, ҳеч нарса билан!

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

Пойтахтимизнинг қоқ юрагида барпо этилган "Адиблар хиёбони"да Алишер Навоий ҳайкалининг ўнг тарафида қад ростлаган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг рамзий сиймосига боққан ҳар бир инсон хаёлидан тарихнинг ёруғ ва қоронғи кунлари ўтади.



Ўзбек эли ва Навоий тили

Матннинг ҳозирги адабий тилимиздаги табдилини ҳам келтирамиз: "Эли турқидир (Ўзбекдир). Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Хиротда шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган".

Бобурнинг мақур фикри бугунга қадар турлича талқин этилади. Кўпгина тадқиқотчилар айнан тушунсалар, айримлар бунга бошқача ёндашадилар. Хусусан, жаҳонга машҳур олимлардан А.Вамбери, Н.И.Ильминский, А.Ю.Якубовский тўлиқ қабул қилади. Лекин А.К.Боровковнинг ёзишича, Н.И.Ильминский ўша даврдаги жонли тил билан умумдабий тилининг бу қадар яқин бўлганига, қолаверса, бу тилда Навоий ўз асарларида қўлланганчилик даражада хорижий тил унсурлари кўп бўлганига шубҳа билан қарайди.

А.К.Боровков ҳам Бобур фикрларини қўллаб, лекин Навоийнинг бутун умри Хиротда ўтгани, Андижонда умуман бўлмагани, фақатгина андижонликлар билан тасодифан учрашиб қолганини айтиб, Навоий қўллаган адабий тилининг Андижон лажжаси билан тамоман бир хил деб қарашга мулоҳазаланади. А.Ю.Якубовский XV аср ўзбек тилини маданий жиҳатдан юксак бўлганини эътироф этади. Навоий тили шаҳар маданиятининг нозик ирмоқларидан сув ичгани, халқ тили билан уйғунлашганини таъкидлайди.

Мирхонд "Равзат ус-сафо" асарида буюқ Навоийнинг аждодлари билан боғлиқ муҳим маълумотни бериб кетади: "...ул офтоб диллик амрининг улуг ва саховатли бобоси аввал замон тақозосига кўра, амир Темур кўрагоннинг ўғли мирзо Умаршайх баҳодирнинг хос мулозимлари қаторидан жой олиб, эътибор қалами унинг бисот лавҳага кўкалтошлик даражасини ёзган эди". Демак, Навоийнинг бобоси, бизнингча, Ғийосиддин Кичкинанинг отаси Умаршайх Мирзо (1356-1394) билан кўкалдош ва хос мулозимларидан бири бўлган. Шаҳзода Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлиб, Фарғонада мўғулларга қарши кўпгина жанларда иштирок этган. Соҳибқирон кейинчалик Фарғона мулкини унга суюрғол қилган...

Мирхонд келтирган маълумотлар Алишер Навоий асарларининг тили масаласига анчагина ойдинлик киритади ва юқорида фикр

билдирган кўпчилик олимларнинг ҳақлигини асослайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг устози ҳақидаги бебаҳо фикрлари Навоий асарларини жуда яхши билганидан далolat беради. Унинг Навоийга чуқур хурматини ҳинд адабиётшуносолими Қамар Раис юқори баҳолайди ва Тошкентдаги учрашувлардан бирида қуйидагиларни баён қилган эди:

"Ўзбек ва ҳиндларнинг улуг шоири, лашкарбоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонга боратуриб, Хиротдаги эски қулбада бир неча кун тунаб қолади. Бу кўпларни таажублантиди, албатта.

— Шоҳим, Сиз учун ажратилган махсус қаср қолиб, хароб қулбада тунашингиз сабаби нимада? — деб сўрайди мулозимлардан бири.

Шунда Бобур:

— Бу қулбада бир неча йил муқаддам Мир Алишер Навоий истикомат қилганлар, бу ер мен учун ҳар қандай шоҳона қасрдан ҳам афзалдир. Шу сабабли бир неча кунлик вақтини шу жойда ўтказишга қарор қилдим, токи ҳазрат руҳлари менга мададкор бўлсин".

Албатта, Бобур учун Навоий билан шахсан суҳбатдош бўлмагани катта армон эди. У 1506 йили Хиротга келганида мутафаккир шоир вафот этганди. Устози яшаган уйни, у қурдирган иморатларни ва, албатта, мақбарасини зиёрат қилди. Хусайн Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон Мирзо ҳамда Музаффар Мирзо томонидан ҳурмат рамзи сифатида ўзига кўрсатилган шоҳона жойда истикомат қилмасдан, Хиротдан кетгунга қадар Навоийнинг уйида туради. Бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "Хиридин чиққунда Алишербекнинг уйлариди эдим. Ҳар икки-уч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиуззамон Мирзога кўрунүш қилур эдим".

Ушбу тарихий далиллар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Алишер Навоийни қан-



чалик ҳурмат қилгани, унга бўлган чексиз эҳтиром рамзидир. Устоз ва шоғир ўртасида бундай муносабат бугун ҳам бизга ўрناق бўла олади.

Иброҳим Йўлдошев,
филология фанлари доктори,
профессор

АЖАБ ҲАҲОМАЛАР

“ОВОЗ”ЛАР ОРТИДАГИ ОВОРАЛАР

Кўряпмиз, кузатяпмизки, кейинги пайтларда "OpenBudget" атрофида бўлаётган гап-сўзлар, шармандали манзаралар тинма-япти. Бундай тахлитда бюджетдан маблағ ундиришни оқлайдиганлар жуда кам, аксарият аҳоли, жамоатчилик бу масалани зудлик билан қайта кўриш чиқиш лозимлигини тақлиф қилишмоқда. Нега, нима учун? Шу кунларда кўча-кўйда, касалхонаю мактабларда одамлар овоз йиғиш учун очқиқчасига тиланчилик қилишяпти! "Илтимос, кўчамизни асфальтлаш учун овоз беринг", "Хароб аҳволдаги мактабимизни ремонтни учун овоз беринг... Эвазига битта флеш, қола олмасиз..." ва ҳоказо. Бундайларни қоралашдан аввал реал ҳолатни ўрганиб чиқайлик. Чунки аксарияти ўзлари учун сўрашмаётганини айтишдан чарчашмаяпти-да.

Умумжамоа манфаатини ўйлаш-шэтанга ургу беришди бари. Лекин биз танганинг иккинчи томонига қарайлик: эҳтимол, уларнинг кўчаси таъмирталабдир, агар етарлича овоз тўллаб беришса, тегишли пул ажратилар, аммо умуман овоз тўллолмаган, ҳатто йўл деб аташга ҳоли ҳам қолмаган, овоз тўллаб пул ютганларга нисбатан ҳоли юз баравар (майли, икки баравар бўлса ҳам) жойлар бўлса-чи? Улар бизга ўғайми шунда?

Учун овоз тўллашади. Ўзим ҳам ҳар қадамда шундай илтимосларга дуч келаман ёки телефоним сўровларга тўлиб кетади. Фараз қилайлик, ўша ўқитувчини билмайман, анқироғи, умуман танимайман. У учун овоз бердим ҳам дейлик. Ёки овоз тўпланаётган қайси-дир тумандаги маҳалла-кўчадан умуман ўтмаганман. Аҳолидан беҳабарман. Аммо кўнгилчанлик қилиб, битта "Соса-сола" ичаман, деб овоз бервордим, дейлик. Ё умуман кўрмаганим ва ҳолатини билмаганим мактаб учун овоз берсам-чи? Буниясим майли, "Энг яхши асар, мақола ёки яна нимадир" учун ўқимасдан, тушунмасдан туриб, кимнингдир илтимоси тўғрисида овоз бериб юборсам, виждоним тинч турармикан? Хўш, бу билан мен таъ-



мир учун пулга ҳақиқий муҳтож бўлган қайсидир йўл ёки мактабнинг ҳалолгина ҳаққини адолатсизлик билан юлиб олиб, бошқа, у қадар таъмирталаб бўлмаганига олиб берсам, эртага Оллоҳнинг сўрови қандай бўлади? Биласизми, бундай "ўйин"лар нимага ўхшайди? Бу лавозимда ўтирган одамнинг маблағни ҳақиқий эҳтиёжманда одамга эмас, балки ё тили ўткирга, ё ўзининг яқин қариндошига ўтказиб берган билан баравар эмасми? Худди шу ҳолатнинг ўзгинасию коррупциямасми, а? Сиз, мен, ва кўр-кўрона бори йўқ, йўқни бор деяётган оми одамлар ҳам ана шу ку-

риб кетгур битта "овоз" билан гуноҳи азимга ботмаяпмизми? Яна такрорлайман, кўча-кўйда "Овоз беринг!" деб юрганларни қоралашдан аввал масаланинг моҳиятини тушуниб олайлик. Бу "теп-текингина мардикор"лар ортида кимлар турибди ўзи? Нега ҳеч ким уларни суриштирма-япти. Хўш Сурхондарё ё Намангандан пойтахтга келиб, қўлида плакат кўтариб юрган одамнинг келиб-кейтиши, яшаши, ош-овқати текинмасдир, тўғрими? Қайси "саховатпеша" пул бериб кўчага чиқариб қўйибди уларни? Кулгили томони, қайсидир интернет ва алоқа яшони ишлайдиган туманнинг бир четидаги

мактаб ё кўча учун ким шаҳарга келиб битта овоз учун битта ичимлик олиб битта туриди? Бундай фирром рақобат кимга керак ўзи? Ахир "OpenBudget"ни жорий этишга бош-қош бўлаётганларда қарерда хароба мактаб, қишда лой, ёзда чанг кўчаю маҳаллаларни кўриш, ўрганиш, солиштириш имконияти катта-ку! Мамлакатнинг барча ҳудудларида исталган муассасани бошқарувчи, фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлишлар, бошқармалар бор, улар кимнинг, ниманинг қандайлигини биздан кўра яхшироқ билишади. Яна денг, ҳар бир маҳаллада ҳо-

ким ёрдамчилари ишляпти, улар қайси кўчанинг, қайси муассасанинг қандай аҳволдалигини сизу биздан кўра яхшироқ билади ҳам. Қолаверса, жамоатчилик назоратиям ҳозир кучайиб кетди. Ижтимоий тармоқларда чиқиб ётибди ҳар лаҳзада бундай тасвирлар. Ана шуларни таҳлил қилиб, энг муҳтожларига "ташабусли бюджет" маблағини ажратиш ҳақида пухта ўйлаб қуриш шарт.

Қиссадан ҳисса шуки, бу "ташабусли бюджет" ёки онлайн овоз йиғиш дегани ҳам эртага "Мана, биз замонавий техника, технологиялардан фойдаланиб, омманинг фикрини инобатга олиб (аслида ҳақиқатдан ҳам омманинг фикримикан), мана шундай танловлар қилдик" деган ҳисоботлар учун бўлмаслиги лозим.

Тўғри, замонавий технологиялардан фойдаланиш керак, лекин оқни қора, қорани оқ деб кетавермаслик керак. Хуллас, айтаверсак мисол, излайверсак, асос кўп. "OpenBudget" очиқ, ҳолис танлов имкониятига айланганини истаймиз.

Шаҳло АҲРОРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Boш муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта: xxi_asr@mail.ru, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарувида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 4 босма табақ. Бюуртма рақами: Г – 345 Адади: 10687 Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 19:20

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" деган олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 123456

Навбатчи муҳаррир: Фаррух ЖАББОРОВ